



2019 yil «23» март 91 – Қ - sonli

Samarqand sh.

“JOMBOY MEVA SABZAVOT”
МЧЖга инвестициявий ва ижтимоий
мажбуриятлар белгилаган ҳолда
қишлоқ хўжалик маҳсулотларини
қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш
цеҳи қуриш учун ер участкаси
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат
мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик
субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари
Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори
ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил
8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов
комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни
маълумот учун қабул қилинсин.

2. “JOMBOY MEVA SABZAVOT” масъулияти чекланган жамиятига
қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш цеҳи
қуриш учун Жомбой тумани, М.Улуғбек массивининг 164қ-контурдаги
64 балли 2,0 гектар суғориб ҳайдаладиган ер майдони қуйидаги
инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий
фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш
цеҳи қуриш учун 2,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;
2019 йил 1 октябрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;
40 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “JOMBOY MEVA SABZAVOT” масъулияти чекланган жамияти томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. “JOMBOY MEVA SABZAVOT” масъулияти чекланган жамиятига ажратилаётган 2,0 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини ўрнини қоплаш учун вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига 214515302 (икки юз ўн тўрт миллион беш юз ўн беш минг уч юз икки) сўм миқдорида пул ўтказиш юклатилсин.

5. Жомбой тумани ҳокимлиги (У.Назаров), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):

“JOMBOY MEVA SABZAVOT” масъулияти чекланган жамиятига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нуркулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов